



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 21 апрель, шанба • №31 (11.316)

Эркин нархда сотилади

ИСТИҚЛОЛ РАССОМЛАР НИГОҲИДА

Республика Байнал-
милал марказида
«Меҳмондўстлик ва
ахборот хизмати»
мамлакат жамоат
ташкilotининг «Ранг-
Ал» фирмаси билан
хамкорликдаги «Она-
лар ва болалар йи-
ли»га бағишланган
Ўзбекистон рассомла-
рининг кўргазмаси
очилди.

– Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. 10 йиллик тараққиёт бизда инсонни англаш билан боғлиқлигини кўриб турибмиз, – деди Олий Мажлис фан ва маданият қўмитасининг раиси Нарзулла Жўраев йиғилишда сўзга чиқиб. – Айтиш мумкинки, ўтган ўн йил давомида мустақиллик даври фуқароси вужудга келди. Бу мамлакатда маданий меросни ўрганиш, маданиятни ривожлантириш, санъатнинг такомиллашиши учун шароит яратилганлиги натижаси дейиш мумкин. 80дан ортиқ миллий маданият марказлари ўзини моҳиятан намоиш қилиш билан бирга яхлит Ўзбекистон фуқаросини шакллантиришга хизмат қиляпти. Демак, биз бугун санъат соҳасида мана шу тадбирлардан яна биттасининг ўтказилишига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Кўргазмада йигирмадан ортиқ рассомларнинг санъат асарлари намоиш қилинмоқда. Уларда аёл сиймоси, табиат манзаралари, халқимизнинг миллий урф-одатлари акс этган. Хусусан, кўргазмадан Р. Чориевнинг «Сайроб, гўзали», Б. Назаровнинг «Келин», М. Аринининг «Она қувончи» каби бир қатор асарлари жой олган.

Кўргазмада хорижий элчионаларнинг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

«Туркистон-пресс».



ЯНГИ НАШРЛАР ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимизда республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан миллий истиқлол ғоясининг долзарб масалаларига бағишланган маъруза матнларини «Воизга ёрдам» рукни остида нашр этиш яхши анъанага айланди. Ўтган йили «Маънавият» нашриёти Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида ана шу туркумдаги ўнта рисола босмадан чиқарган эди. Кун кеча эса яна бешта маъруза матни, шунингдек, «Миллий истиқлол ғояси: кўргазмалар воситалар» мавзuida қўлланма чоп этилди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзuidaги плакатлар мажмуи ҳамда «Воизга ёрдам» туркумдаги рисоаларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини аҳоли онги ва қалбига синдириш учун аввало тарғиботчи-ю ташвиқотчиларнинг бу борадаги тайёргарлигини ошириш, уларни илмий-назарий жиҳатдан қуроллантириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, миллий истиқлол ғояси халқимиз, айниқса, ёш авлод онгидида соғлом эътиқод, мустақил дунёқараш асосларини, мафкуравий зеҳнийни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ортбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқдир». Турли диний оқим, халқаро терроризм ва минтақавий можаро-

ларнинг тинч-осойишта ҳаётга, демократик тараққиёт ва инсоният келажагига солаётган хавфи тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан ҳам замон ва тафаккур майдонида тинч тараққиётга зид оқим ва ҳаракатларга қарши курашмоқни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Муртазо Қаршибойнинг «Бунёдкор халқ ғояси», Нарзулла Жўраевнинг «Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар», Бахтиёр Омоннинг «Нотикнинг нуфузи», Васи́ла Каримованинг «Тарғиботнинг

психологик усуллари» ва Раҳматилла Шералиевнинг «Соғиниб қутилган учрашувлар ёхуд нотиклик маҳорати нимада» рисоаларида одамларни тинч-осуда ҳаётга, бунёдкорликка қорлайдиган ғоялар ҳақида сўз юртилади. Плакатларда эса халқ тинчлиги, юрт ободлиги, Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бунёдкорлик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Бошқача айтганда, уларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида илгари сурилган ғоя ва йўналишлар назарий таҳлил қилинган, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишга амалий кўмак берадиган ишланмалар келтирилган.

Рисола ва плакатлар таълим муассасаларининг ўқитувчи, тарбиячи ва талабаларига, маънавият ва маърифат ходимлари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

(ЎЗА).

Шанбадан Шанбагача

«ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР»

Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази вилоят ва Пскент тумани бўлимлари ташаббуси билан «Ёшлар ва маънавий қадриятлар» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Ёш авлодни тарбиялашда ота-оналар ва жамоатчилик мавқеини ошириш, фуқаролар онгига маънавий-ахлоқий қадрият ғояларини синдириш, уларни огоҳликка қақаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу тадбирда туман ҳокими уринбосарлари, прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла посбонлари, туман масжиди имомлари, фуқаролар ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ШУНҚОРЛАР БЕЛААШДИЛАР

Бекободда «Шунқор-2001» спарт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ўрта мактабларининг юқори синфлар ўқувчилари спартнинг етти тури бўйича ўзара беллашдилар.

3-ўрта мактаб ўқувчиларидан ташкил топган жамоа тадбирга пухта тайёргарлик билан келганлигини намоиш этиб, спортнинг кўпчиликлари турлари бўйича мукофотли ўринларни олди ва унинг голиби бўлди. Жамоа аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Улар «Шунқор-2001» мусобақаларининг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Иккинчи уринини олган 2-ва 5-ўрта мактаблар, учинчи уринини эгаллаган 9-мактаб спортчилари ҳам эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Дилором КАРИМОВА.

Бугунги сонда:

2-бет Ер обод – юрт обод
Энг аввало инсониятнинг яшаши ва тараққиёти учун **Она замин, муқаддас ерни асрайлик.**

3-бет Тил – миллат кўзгуси
Мамлакатимизда **Ўзбек тилига давлат тили мақоми расман берилганига ўн йилдан ошди.** Фуқаролар орасида давлат тилини ўрганишни йўлга қўйиш учун вақтни ҳам, маблағни ҳам аяш йўқ.

6-бет Кўшиқ айтган етар муродга
Асрлардан бери янграб келаётган ажиб наволар муқаддас мерос сингари ардоқланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келади. **Инсон ўзининг нозик туйғуларини сўз ва саз орқали ифода этади.**

7-бет Олам ҳафта ичида:
Инсоният азал-азалдан **тинчлик** истайди. Афсуски, осойишталикни бузувчи, очлик, қашшоқлик, талотўпларнинг асосий сабабчиси бўлган **уруш тез-тез бу орзуга раҳна солиб келади.**

8-бет Бунини ҳаёт дейдилар
Бизда иқоладигани фақат бир-биримизга қилган **яхшиликлар, ширин сўзларимиз,** ақлзаковатли, одобли фарзандларимиз эмасми?

22 апрель – Бутунжаҳон ер куни



Одамнинг тириклиги Сув ва Ер биландир. Шу боисдан ҳам бободехқоннинг тушига ҳамisha ер киради. Аслида деҳқон ер санъатининг соҳиби, унинг хаёли доимо ер билан банд. Ернинг фазилати шундаки, бирни сочсанг, мингни беради. Бу ер саҳий, ундан хоҳлаганча ҳосил олаверасан дегани эмас. Ерга ҳам меҳр керак.

Ер - бойликнинг онаси, отаси эса - меҳнат. Ризқ-рўз учун ҳеч бир гиёҳ ўз-ўзидан униб чиқмайди. Бу бор ҳаққоний, асл гап. Ерга қараган қанд, қарамаган эса панд ейти.

Ер - халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Ундан оқилонга фойдаланмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Мозийга боқиб, юртимизда, авваллари зироатчилик маданияти юксак бўлганлигини кўрамиз. Бироқ, XX асрнинг ўрталарида ерга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Сурункали пахта етиштириш тупроқ таркибини ўзгартириб юборди. Пахта якка ҳокимлиги даврида яйловлар, тўқайлар ўзлаштирилиб, экологик мувозанат бутунлай бузилди. Сув сарфи ортиб кетди. Орол муаммоси пайдо бўлди.

Биз, катта табиий фожеаларга дучор бўлдик. Кимёвий ўғитлар бериш миқдори ортиб, тупроқ таркибидagi фойдали микроорганизмлар ҳам камайиб кетди. Ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиш даражаси ортди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейингина табиатга, айниқса, ерга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади. Чигит экиладиган майдонлар камайирилиб, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишга имкон берилди.

Муҳтарам Президентимиз бу борадаги вазифаларни аниқ-аниқ белгилаб бердилар. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини катта йўлга олиб чиқишни назарда тутиб, бу соҳа вазирлиги қамрови янада кенгайтирилди. Унинг тизими эндиликда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деб номланди. Шу билан бирга бу тармоққа ўрмон хўжалиги кўмитаси ҳам бош бошқарма сифатида қўшиб берилди. Бирин-кетин «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги Қонунлар қабул қилинди. Эндиликда минтақавий ва ер сибсатини амалга оширишга муҳим тармоқ сифатида эътибор қаратишнинг қонунчилик асослари яратилди.

Одатда ерни бор қиладиган ҳам, уни нобуд-йўқ қиладиган ҳам одамзот. Ахир, йўқдан ерни бор қилиш учун олимлар таъкидлашларича, қарийб 80-100 йил ўтар экан. Шунча йиллик меҳнатга нописандлик билан қарашлик, албатта яши эмас. Баъзан қизик ҳолатларга дуч келиб қоламиз. Ёнма-ён яшаётган икки ҳовлига кириб, икки хил манзарани кўрамиз. Бир ҳовли обод, ундагилар маъмур яшаса, бошқасида эса бунинг ақсига дуч келамиз. Худди шунингдек, ёнма-ён хўжаликларида ҳам, юқоридагидек аҳволни кўриб қоламиз. Ахир, иқлим шароити, суви, рельефи бир хил бўлган ердаги бундай аҳволдан таажжубга тушмайсизми? Туманларда бўлганимизда яна бир ҳолатга дуч келамиз. Икки хўжалик ҳудудини бир ариқ ажрати туради. Бу қирғоқдаги фермер ерга муносабати туфайли 30-35 центнердан, ариқнинг бу томонидагиси эса - 20 центнердан ҳосил кўтаради. Ерга муносабат қандайлиги айти шу фарқда яққол кўринади.

Ахир, ёмон ер бўлмайди, ёмон ер эгаси бўлади. Сўзсиз, ерга интенсив биологик агротехнологияни қўллаш яхши самаралар беради. Компост қилиш, хонаки ҳайвонлар, наботот қолдиқларини тўплаб ва уни қайта ишлаш орқали тупроқни озиклантириш мумкин. Бир ҳовли

учун шу ҳовли чиқитларининг ўзи ўғитлик манбаини қоплайди, албатта. Тан-дир ва ўчоқ куллари ҳам жой-жойига ишлатиш ота-боболаримиздан бизга мерос-ку?! Боболаримиз омиқкор бўлишган. Демак, ҳам эскича, ҳам замонавий технологияни омукталаб, фойда келтирадиган ва ерга зиёни бўлмайдиган жиҳатига эътиборни жалб қилмоғимиз лозим. Бу омиқкор деҳқоннинг ер билан тиллашиш усулидир.

Биосферани сақлаш - XXI асрнинг энг муҳим муаммосидир. Бунинг учун энг аввало инсониятнинг яшаши ва тараққиёти учун Она замин, муқаддас ерни асраш зарур. Дунё миқёсида «Ер куни» акциясини ўтказиш Ерга бўлган муносабат рамзидир. «Ер куни»ни ўтказишнинг ўз тарихи бор. Бу кун байрам сифатида биринчи марта 1970 йилда нишонланди ва бу халқаро акция тадбирларида дунёнинг 20 миллион киши қатнашди. Орадан йигирма йил ўтиб, 1990 йили бу ҳаракатга рўйи-заминнинг бир юз қирқ бир мамлакати қўшилди ва Ер куни акциясида икки юз миллион киши иштирок этди. Ва, нисоят, йигирма иккинчи апрель - халқаро миқёсда «Ер куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Демак, Ер куни байрами нишонланаётганига ҳам бугун роппа-роса ўттиз йил тўлибди.

Бу кун турли мамлакатларда турлича нишонланади. Масалан, японияликлар Ер кунига оид фотогалереялар ташкил этади, видеоматериаллар намойиш қилинади. Австралияда эса Ер куни муносабати билан наботот ва ҳайвонот оламининг ранг-баранглигига оид болалар кўргазмалари ўтказилади. Малайзия табиатсеварлари умуммиллий ёшлар танловларини зўр кўтаринчиликда ўтказиб келадилар. Аргентиналиклар бўлса, «Ёш кўнгилли табиат ишқибозлари ва экологлари» китобини нашр этишни одат қилишган. Иордания, Нигерия, Польша каби ўнлаб давлатларда ҳам Ер кунига оид турли қизиқарли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айниқса, АҚШда Ер куни муносабати билан экологияга оид туркум экспонатлар кўргазмаси ташкил этилади ва турли қизиқарли тадбирлар ўтказилади.

Бизнинг мустақил давлатимизда Ер куни байрамини нишонлашнинг ўз аънавалари бор. Халқаро «Экосан» жамғармаси ташаббуси билан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу йил 14 апрель куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида Ёшлар лойиҳаси доирасида Ер кунига бағишланган «Экопарламент» XXI асрда, 20 апрель куни Тошкент Аграр университетида профессор ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувлар бўлди. 20-22 апрель кунларида Марказий кўргазмалар залида «Инсон ва ер» кўргазмалари, 21 апрель «Ўзэкспомарказ» доирасида экологик фестивал ҳамда экологик ва ерга оид қизиқарли суҳбатлар ўтказилди ва ўтказилапти. Ер кунини нишонлаш ўқув масканларида, айниқса, маҳаллаларда ҳам ўтказиш аънава тусини олиб бормоқда.

Албатта, ерга муносабат, ерни қадрлаш деҳқончилик маданиятини юксалтиришга замин яратишига шубҳа йўқ. Ерга ҳеч қачон хўжасизларча муносабатда бўлмайлик. Ер обод - юрт обод. Ер куни байрами юртимизда ерга меҳр уйғотишнинг азаллий тимсоли бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, доцент.

2001 йил – Оналар ва болалар йили

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Шу йил 18 апрель куни Чирчиқ шаҳрида вилоят аёллари ижтимоий мослашув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди

Мамлакатимизда аёллар кадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида жуда катта ва кенг кўламли ишлар қилинмоқда. 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларга янгича мазмун ва моҳият касб этди. Бу борада Тошкент вилоятида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам диққатга сазовор.

Кун кеча Чирчиқ шаҳрида иш бошлаган вилоят аёлларининг ижтимоий мослашув маркази ҳам ана шу ишларнинг амалий натижасидир. Унинг лойиҳаси вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Аёл ва жамият» институти ташаббуси билан Евроиттифокнинг «TACIS-Lien» ташкилоти, вилоят ва Чирчиқ ҳокимликлари кўмагида ўтган йилнинг ёзидаёқ режалаштириб қўйилганди. Бу марказ эндиликда хотин-қизларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга иш билан таъминлаш, касб ўргатиш, ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, энг муҳими жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам мазкур марказнинг очилиши катта тантаналарга айланиб кетди. Унда вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, фаоллари, ўқув юртлари, қорхона, ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик иштирок этдилар. Йи-

гилишни вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Ҳўжаева очди.

Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Жумладан, у ўз сўзида вилоятларда ташкил этилаётган бундай марказлар оила соғлиги ва мустақамлигини барқарор этишда муҳим ўрин тутаётиганини алоҳида таъкидлади.

Марказнинг очилишида сўзга чиққан ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси вакили, «TACIS-Line» дастурининг мувофиқлаштирувчиси Мари Грель, республика «Аёл ва жамият» институти директори Наталия Муравёва ва бошқалар ҳам марказнинг аҳамияти ва роли тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳозирги вақтда ушбу марказ «Ўтиш даврида хотин-қизлар мактеби», «Маҳаллада аёл ва дин», «Жазо муқддотини ўташ жойларидан қайтган аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси», «Қизларни оилавий турмушга тайёрлаш», «Ҳуқуқли бўлишга ҳаққим бор», «Кам таъминланган оилаларда аёлларнинг компьютер саводхонлиги», «Замонавий маҳаллада хотин-қизлар кенгашларининг мактеби», «Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари» каби кўплаб мавзуларда семинарлар ўтказмоқда.

Шундай қилиб вилоятимизда хотин-қизларимизнинг яна бир янги маркази иш бошлади. Уйлаймизки у келгусида барча шаҳар ва туманларда ўзининг фаолиятини ривожлантириб боради.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.



СУРАТЛАРДА:
вилоят аёллари
ижтимоий
мослашув мар-
кази очилишидан
лавҳалар.

Аида САИТОВА
олган
суратлар.



**«Тошкент ҳақиқати»га
жавоб берадилар**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Тошкент туманидаги Собир Раҳимов номи ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар Қозоғистон Республикасига Калас дарёси орқали ўтадиган айланма йўлдан ноқонуний равишда товар моддий бойликларни олиб ўтиш ҳоллари содир бўлаётганидан ташвишланиб, таҳририятга мурожаат қилган эдилар. Бу хат текшириб чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасидан ушбу хатга муносабат билдирилган жавоб олинди. Унда оқорида кўрсатилган ҳолатлар батафсил ўрганиб чиқилганлиги айтилади.

– Суриштирув ҳаракатлари натижасида шу маълум бўлдики, –

дейилади жавоб хатида. – Фуқаролар Норметов Маъмур ҳамда Исмоилов Абдурахмонларга нисбатан 2000 йилда божхона қоидалари бузилиши ҳолати аниқланиб, маъмурий иш ҳужжатлари юритилган ва уларнинг ҳар бирига нисбатан 8750 сўмдан жарима солинган. Ушбу фуқаролардан тушунтириш хатлари олинди, Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтмаслик ҳақида огоҳлантирилганлар.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси раҳбарияти томонидан айланма йўллар орқали ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетиш ҳолатининг олдини олиш мақсадида кўшимча тезкор гуруҳлар тузилди, дейилади жавоб хатида.



Илгари хабар қилганимиздек вилоят «Турон» илмий универсал кутубхонасида «Вилоят кутубхоналари негизда ахборот қуқуқий марказларини ташкил этиш» мавзuida семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Икки кун давом этган семинар-кенгашда

ахборот қуқуқий марказларининг ташкил этилишида вилоят оммавий кутубхоналарининг вазифалари атрофлича муҳокама этилди.

СУРАТЛАРДА: семинар-кенгашдан лавҳалар. Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.

ФИЖЖАК НАВОЛАРИ ЯПОНЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Токиода камон билан чалинадиган мусиқа асбоблари усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди. Унда Хитой, Хиндистон ва Ўзбекистондан ташриф буюрган 6 нафар санъаткор иштирок этди.

Юртдошимиз истеъдодли санъаткор Абдухошим Исмоилов ҳам ўз фижжаги билан ушбу ўзига хос мусиқа беллашувда қатнашди.

Айтиш керакки, мазкур тадбир ҳам Япониядаги «CIOFF» ташкилоти томонидан уюштирилди. Ўтган йили ушбу ташкилот Токиода ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Фольклориада-2000» умумжаҳон фестивалини ташкил қилган ва унда А.Исмоилов ҳам иштирок этган эди.

Бу галги концертда ҳам ўзбекистонлик санъат устасининг чиқиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади – ўзбек фижжанининг майин ва сербахш наволари ҳамда санъаткорнинг зўр маҳорати гулдурас қарсақлар билан олқишланди.

М.ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА.

«ОСИЁ ЗАРГАРЛИГИ»

Кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Осиё заргарлиги» халқаро кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Молия вазирлиги қошидаги қимматбаҳо металллар ва тошлар Қўмитасининг Давлат Намуна (проба) палатаси кўмагида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Халқаро дизайнерлар иттифоқи, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва «Заргарлар» нодавлат ташкилоти иштирокида ташкил этилди.

«Туркистон-пресс».

Фан – ишлаб чиқаришга

ИХТИРОЛАРГА ПАТЕНТЛАР

САМАРАЛИ илмий изланишлар натижаси ўлароқ юзага келган йирик тадқиқотлар ҳосиласи амалиётга тадбиқ этилиб, кўплаб иқтисодий фойда келтирмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти олимлари ихтироларининг аксарияти эса, республика патенти билан қайд этилмоқда.

КЕЙИНГИ йилларда институт тажриба майдонларида ҳамда лабораторияларида рўйбга чиққан 20 га яқин илмий янгилликка патент берилди. Илмий масканнинг бир гуруҳ тадқиқотчилари яратган янги қурилма муносиб тақдирланди. Микроскопик сув ўтларини ўстиришда қўлланиладиган бу мураккаб асбоб муҳим техникавий восита сифатида баҳоланди.

«Оқава сувларни тозалаш учун қурилма» деб номланган тадқиқот ҳам қўтилган натижа берди. Ботаник олимлар ишлаб чиққан «Тери ошлаш усуллари», «Қорамоллар ва паррандаларни озиклантириш усуллари», «Сариқ касаллигини доривор ўсимликлар билан даволаш усули» каби ўнга яқин изланишга ҳам патентлар берилди.

– Саноат ботаникасини тадқиқ этиш натижасида қатор ютуқларга эга бўлдик, – дейди институт директорининг ўринбосари Ёқутхон Солиева. – Бу

тадқиқотлар шаҳар атроф муҳитидаги техноген омилларга, оғир металллар, турли чиқинди газлар таъсирига чидамли ўсимлик турларини аниқлаш ҳамда кўпайтириш имконини бераётир.

Изланишлар туфайли «Дарахтларнинг санитар ҳолатини аниқлаш», «Танин моддасини сақловчи ўсимликлардан ошловчи экстракт олиш», «Ширинмия ўсимлигини кўпайтириш» сингари усуллар юзага келди. Шунингдек, «Оромгоҳ» чанқовбосди ичимлигини тайёрлаш усули яратилди. «Азолла – анабека сув ўтини ўстиришга мос озук муҳити», «Фозларни боқиш усули» каби тадқиқотларга ҳам республика патенти берилди.

Чўл ўтлоқларининг ҳосилдорлигини оширишга доир тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинди. Эришилган бу каби илмий ютуқлар халқ ҳўжалигига кўплаб иқтисодий самаралар бермоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

Мулоҳаза

Ишдан қайтаётгандим. Кечки пайт эмасми, йўловчилар тигизроқ. Кундалик ўтган-кетган ишлар ҳаёлида бораётиман. Бир пайт икки ўриндиқ наридан аёл кишининг гаплари қулоғимга чалинди:

– Нима кўп ҳужжат кўп, қарор кўп. Гоҳи раҳбарлар чақириб қолишади: «Молия ишларига тааллуқли экан, тушунтириб беринг» – дейишади. Куламан, ўз тилингизда ёзилгану наҳотки моҳияти тушунарсиз бўлса, дейман.

Аёл донна-донна қилиб, шунчалик оҳангли гапирардики, троллейбусдан тушиб қолиш учун олдинги томонга бораётим, разм солиб ўтдим. Сап-сариққина, тилларанг сочлари батартиб таралган, 30-35 ёшлардаги очик чеҳрали бир рус аёли. Чиндан ҳам у гапираяптими, деб таажжубланганимча бир нафас тўхтаб қолдим. Атрофдаги икки-уч киши ҳам бу суҳбатга эътиборсиз эмаслиги сезилиб турарди. Бу орада у ёнидаги ўзбек жувонига:

– ... Мана, сиз ҳам ҳисобхонада ишларкансиз, – деди узилган суҳбатни соф ўзбек тилида давом эттириб. – Касбимиз бир экан. Айтинг-чи, ҳар хил ҳужжатлар саводли тайёрланадими? Умуман, ҳисоб-китоби тааллуқли атамалар тўғри таржима қилинганми? Орамизда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга эътиборсизлик йўқми?

Троллейбусдан тушиб қолар эканман, беихтиёр эшитганим бу фикрлар қалбимни жунбушга келтирди. Бир рус аёли ўзбек тилини шунчалик ўзлаштириб олганлиги – бир гап. Лекин ҳозир у ўз йўлдоши билан фикрлашиб бораётим билдираётган мулоҳазалар оғрикли. Гап шундаки, дарҳақиқат, молия ҳисоб-китоби, – ва баъзи техника соҳаларига ҳам, – доир атамаларни давлат тилига ўгириш чоғида ҳануз пала-партишлик, жўн, одми ёндошув, «биздан кетгунча»

деган бир гўрлик мавжуд. Мен бу ўринда мисоллар, манбаларга мурожаат қилмоқчи, ўз даъвоимни шулар билан асосламоқчи эмасман. Бундай «одмилиқ», аслида омиллик кўпчилик иш қоғозларида учрайди. Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми расман берилганига ўн йилдан ошди. Фуқаролар

яна давлат тили мақоimini олди. Жамиятда, бутун ҳаётимизда қанча ўзгаришлар бўлди ва бўлаяпти. Лекин гоҳи идораларга бориб қолсангиз, 25-30 ёшли баъзи раҳбарчалар ўзи бошқа тилда сабоқ олганлигини пеш қилиши, шу боис рус тилида суҳбатлашишни илтимос қилиши ҳануз барҳам топмаяпти. Уларнинг гап-сўзлари, юриш-туришлари, ўзларини тутишларини кузатиб туриб, ҳайрон бўласан, киши. Наҳотки, улар ўз азиз она тилларида фикрларини баён қила

АВВАЛО АНГЛАЙЛИК

орасида давлат тилини ўрганишни йўлга қўйиш, давлат тилида иш юритишга ўтиш учун вақтни ҳам, маблағни ҳам аяш йўқ. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаларини ҳам кўриб турибмиз. Лекин тунов куни бир даврада Олмалиқ рус миллий маданият маркази раҳбари Светлана Ирусалимсева билдирган фикрлар бу соҳада ҳали жиддий муаммолар ҳам борлигини кўрсатади.

– Ҳали ҳозиргача давлат тилини ўрганишда расмиятчиликдан қутила олмаяпмиз, – деди Светлана Ильичевна. – Малакали ўқитувчилар кам. Дарсликлар, луғатлар йўқ ҳисоби ёки ҳамиша ҳам топилавермайди.

Энди булар бир омади гап. Лекин троллейбусдаги суҳбат бошқа бир мулоҳазаларга ундайди. Буни қарангки, замонлар ўтиб, тилимиз

олишмаса!?

Бу ниманинг нишонаси? Аввало, менимча, бундай кишилар ўз хурматларини билишмайди. Ўзларини танимаган, ўзликнинг моҳиятига етмаган кишидан нимани ҳам кутиш мумкин? Ўзи қалби мудроқ шахсда она тили хурмати, Ватан меҳр-муҳаббати хаминқадар бўлишини ким билмайди? Ён дафтаримда бир қайд бор. Унга қачонки кўзим тушса, вужудимда ноҳуш титроқ туради. Уни тадбиркорлик ҳаракатига даҳлдор бир йиғилишда ёзиб қўйгандим. Ушанда бир юртдошимиз сўзга чиқди-да:

– У нас, у предпринимателей один язык, – деб сўз бошлади. – Это – русский...

Айтиб қўяй: шахсан ҳеч қачон миллат ёки тил ажратган эмасман. Ўзим рус тилини билишим, бу тилда ҳам она тилимдагидек қалам

тебратишимдан дил-дилимдан фахрланиб юраман. Лекин ўша нотик минбарда туриб айтган фикрни бир умр ички бир титроқсиз эслай олмасам керак.

Бугунги мустақил Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг кадр-қиммати, тили, дини, эътиқодидан, миллатидан қатъий назар, барча қонун ҳимоясида. Лекин ҳар бир маърифатли давлатда бўлгани каби давлат тилида иш юритиш ҳам қонунлаштирилган. Маълум миллат вакиллари гавжум яшовчи ҳудудларда эса ҳам давлат тили, ҳам миллий тил амал қилади. Бинобарин, барча миллат фарзандлари изҳори ҳол қилишлари учун шарт-шароит мукаммал.

Аммо, ўзбек йигит ёки қизи муайян мансабни эгаллаб турсаю ҳузурига арз билан кирган мўйсафидга:

– Простите, я..., – деб турса, бундан хунук ҳолат бор-йўқлигини ўзингиз ўйлаб кўринг.

Вақт ўтиши билан бундай ҳолатлар давом этиши кузатилмоқда. Шуниси афсусланарли, холос. Шундай кишиларга мурожаат этгим келади:

Биз қачон мустақиллик неъматлари таъмини мукаммал татиб кўрамиз? Яхшиси, саволни биров ўзгартирайлик: биз қачон ўз тилимизда тўлиқ гаплашиб, ёзиб-чиза оламиз?

Негаки, фуқарода Ватаним, элим, юртим деган тушунчалар бўлсаю, ўз она тилимизда, давлат тилида уларни эркин-эмин тушунтириб бера олмаса, бу энди...

Ўн йилки, биз мустақиллик кўчасидамиз. Шу йўлдалигимиз дилларни ифтихорга тўлдиради. Шу озод замин, шу хур Ватан фарзанди эканлигимиз билан фахрланамиз. Лекин фахрланиш ва бурч туйғуси бошқа-бошқа тушунчалар эмас. Буни ҳар биримиз англаб олишимиз керак.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Dushanba 23

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.50 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намоёиши: «Ўсимликлар дунёси», «Сехрли камон».
9.10 «Барҳаёт наволар». Т. Бадинов.
9.40, 12.35 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жило-си».
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар
10.05 «Мафусайл». Бадий фильм.
11.55 ТВ-анонс.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 2001 йил -

Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Бадий-мусликий дастур.
13.35 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намоёиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Шоҳрух» клуби.
15.05 ТВ-клип.
15.10 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих».
15.40 «Ўзбектелефильм» намоёиши: «Эхтиросларга йўғрилган ўйин». Премьера.
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Туркменистон-Иордания.
17.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг тантанали

очилиши.
18.15 «Ўзбекистон фуқароси».
18.30 Мусликий альбом.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Ёшларлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Давр ва қаҳрамон».
21.25 «Қалбнинг қўшиққа тўлсин». Мусликий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Холодильникда биров бор». Бадий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: Болалар

учун концерт.
10.15 «Чипполино». Мультфильм.
10.55, 12.00, 14.30 Мусликий лаҳзалар.
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
12.10 Жорж Пуаре. «Алдагани хотин яхши». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.40 «Жаҳон жуғрофияси».
14.40 «Икки соҳил, икки тақдир». Бадий фильм.
16.25 Спорт ҳафтано-маси.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
17.10 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 11-қисм.
17.35 «Мультмоша».
17.50 Олтин мерос.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Оқшом наволари.

18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Хитой Тайпейи. Танаффус пайтида - «Ёшлик наволари». Мусликий дастури.
20.45 «Илдизлар ва япроқлар».
21.05, 21.45, 22.30 Ёшларлар
21.10 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

1.15-1.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Аёл - она, мураббий, раҳбар». Телеклуби.
18.30, 21.00, 22.10, 23.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.35 «Оҳанглар ва ёшларлар».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпа-

лак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.10 «Бебилиска пул». Сериал.
17.40 «Болалар куйлаганда».
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревью».
21.00 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.20 Россия эстрада-си юлдузлари иштирокидаги концерт дастури.
22.15 Кинематограф. Роберт Де Ниро ва Ума Турман «Глори» фильмида.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

Seshanba 24

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Бир наво истар кўнгил». Мусликий дастур.
9.20 ТВ-метео.
9.25 «Баркамол авлод». Спорт дастури.
9.45 Болалар учун. «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 ТВ-1 кинотеатри. Мен сизни севардим. Бадий фильм.
11.30, 13.50 ТВ-анонс.
11.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.05 ТВ-клип.
12.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш

ўйинлари. Ўзбекистон-Хитой Тайпейи.
14.10 «Бунчалар гўзал бу ҳаёт». Ўзбекистон халқ артисти Ю. Усмонова билан учрашув.
14.40 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув.
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Иш билганга - минг танга». Телешоу.
16.40 «Рақслар гулдаси».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар дово-ни».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Олтин мерос».
19.10 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навойихонлик».
21.15 Санъат усталарининг концерти.
21.55 «Долзарб мавзу».
22.10 Экранда киноко-медия: «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
10.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 11-қисм.
10.25, 13.40 Мусликий лаҳзалар.

10.35 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.
10.45 «Даллас». Телесериал.
11.30 Ватан ҳақида кўшиқлар.
11.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
13.25 Автосалтанат.
13.50 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 1-қисм.
14.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
16.00 Мультфильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Жуғрофия».
16.45 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 12-қисм.
17.10 «Мультмоша».
17.25 Таянч.
17.40 Ёшлар куйлайди.

17.50 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Кўли гул уста».
18.10 «Дийдор».
18.30 Авторейд.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 11-қисм.
20.20 Марду майдон.
20.40, 21.20, 22.30 Ёшларлар
20.45 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 2-қисм.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот

дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.15-0.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Биз ва болалар»
18.30, 21.00, 22.20, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Ҳамкорлик».
22.45 Оҳанглар ва ёшларлар
22.50 ТТВда сериал: «Селеста».
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпа-лак».
15.25 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Бу - Корея».
17.10 «Ўз ўзига режиссёр».
17.40 «Олам бўйлаб».
18.40 «Зарбдор куч-2». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревью».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Х-спорт».
21.40 «Клип антракт».
21.55 Кинематограф. «Оқушларни отманг». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

Chorshanba 25

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоёиши: «Алла».
9.15 «Ўзбекистон бастакорлари». С. Жалил.
9.45, 11.40 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 Болалар экран: «Олтин қалитча». Бадий фильм.
11.45 «Қамолот сари».
12.05 «Шоирлар-болаларга».
12.30, 13.50 ТВ-анонс.
12.40 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.
13.20 «Ишқ - сирли

кўшиқдир». Мусликий композиция.
14.10 «Билим-ринг».
14.50 «Юрт ҳақида кўшиқ». Публицистик кўрсатув.
15.10 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.40 «Остонаси тиллодан».
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Хитой Тайпейи-Иордания.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.25 «Инвестиция».
18.35 «Аёл - дунёи тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Банк ва мижоз».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон». Мусликий дастур.
21.40 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан. «Парламент вақти».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.00 «Йўл бошида».
22.15 «Дунё эшиклари очилар бизга».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Кин-дза-дза». Бадий фильм. 1-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Жуғрофия».
10.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 12-қисм.

10.25 «Давр»-интервью.
10.40, 13.40, 14.45 Мусликий лаҳзалар.
10.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 11-қисм.
11.20 Олтин мерос.
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Болалар экран. «Гўзал Ойсулув ҳақида эртақ».
13.50 Таянч.
14.05 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 2-қисм.
14.55 «Эхтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.20 Авторейд.
15.35 «Дидор».
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
16.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 13-қисм.
16.45 «Мультмоша».
17.00 «Мени тушун...» Телеўйин.

17.25 Ёшлар куйлайди.
17.40 Хотира ва кадрлар кунига: «Умр дафтар»и. Ботир Зокиров. Видеофильм. 1-қисм.
18.05 «Ракурс».
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Туркменистон. Танаффус пайтида - 19.45 Спорт-лото.
20.50 Очил дастурхон.
21.05 Мусликий лаҳзалар.
21.10, 21.45, 22.30 Ёшларлар
21.15 «Алишер Навоий». Видеофильм. 12-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интер-футбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
18.30, 21.00, 22.30, 23.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Телефакт».
22.55 Оҳанглар ва ёшларлар
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)
15.15 «Мультчархпа-лак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Америкага назар».
17.15 «Соккер клуб».
17.35 «Болалар куйлаганда».
17.55 Кинематограф. «Плезантвиль». Бадий фильм.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревью».
21.00 «Бебилиска пул». Сериал.
21.30 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Югославия-Россия терма жамоалари.
23.25 «Клип-антракт».
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

Payshanba 26

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба».
Мусликий дастур.
9.20 «Мурувват».

9.35, 11.35 ТВ-метео.
9.40 «Дунё эшиклари очилар бизга».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва тақдир».
10.15 ТВ-1 кинотеатри: «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.

11.40 «Инсон одоби билан».
12.05 ТВ-клип.
12.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Ўзбекистон-Туркменистон.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 Болалар учун. «Санъат гўнчалари».
15.05 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадий фильм.
16.20 «Мураббий».

Спорт дастури.
16.35 «Наврўз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.00 ТВ-интернет.
17.05 «Дунё адабиёти».
17.25 «Халқаро ҳаёт - шарҳловчилар нигоҳида».
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.25 «Сихат-саломатлик».
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадий - публицистик кўрсатув.

19.00 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфат».
21.45 «Яхшилар ёди».
Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Охунова хотирасига бағишлан-

ган бадий-мусликий дастур.
22.25 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Истиклолдан зиё топан юрт». Телетанлов. Экранда-Фарғона вилояти.
23.05 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
23.25 «Ахборот».
24.00 «Кин-дза - дза». Бадий фильм. 2-қисм.

1.05-1.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 13-қисм.
10.20, 13.50

Муслиқий лаҳзалар. 10.30 «Алишер Навоий». Видео-фильм. 12-қисм. 11.00 Олтин мерос. 11.05 «Даллас». Телесериал. 11.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати. 12.25 «Самсон ва Салли». Болалар учун мультфильм. 13.25 «Мени тушун» Телеуин. 14.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. 15.35 Болалар учун концерт. 15.50 Сенинг вақтинг. 16.10 Спорт қўтаси. 16.35 Кўрсатувлар дастури. 16.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.05 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 14-қисм. 17.30 «Мульттомоша». 17.45 Тараққиёт. 18.00 Ёшлар овози. 18.20 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. Видеофильм. 2-қисм. 18.45 Оқшом навалари.	18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 13-қисм. 20.25 «Дастхат». 20.45, 21.25, 22.30 Ёшлар. 20.50 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 3-қисм. 21.30 Мезон. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.	22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас». Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. 1.10-1.15 Хайрли тун! «Тошкент» телеканали 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Митти юлдузлар». 18.30, 21.00, 22.35, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.55 «Эхтиром ила». 19.25 ТТВда сериал:	«Санта-Барбара». 20.05, 21.25 «Табриклимиз, кутлаймиз». 20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси. 21.50 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Моҳир». 22.00 «Тошкент ва тошкентликлар». 23.00 Оҳанглар ва эълонлар. 23.05 ТТВда сериал: «Селеста». 00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ	ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Мультчархпалак». 15.25 «Клип-антракт». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.50 «СНН-шоу». 17.05 «Бугун оламда». Ахборот курсативи. 17.15 «Икки рояль». 17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида. 18.40 CFI тақдим этади: «Лувр шаҳри».	19.00 «Маҳфий хужжатлар». Сериал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». 20.50 «Бизнес-ревью». 20.55 «Бебилиска пул». Сериал. 21.25 «Кино сайёраси». 21.45 «Клип-антракт». 21.55 Кинематограф. «Хаёт мазмуни». Бадий фильм. 23.15 «Ахборот» (рус тилида) 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин».
--	---	--	--	--	--

JUMA

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Лирик тароналар.
9.20, 12.25 ТВ-метео.
9.25 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
9.45 «Шарқ табобати».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Семурғ». Бадий фильм.
11.30 «Мухофаз».
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик курсатув.
12.30 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
13.05 «Ўзбекистон спорти».

13.25 «Муҳаббат соғинчи». Муслиқий композиция.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Миллий манфаат».
14.50 «Болаликнинг мовий осмони».
15.05 «Қайнар булоқ». Муслиқий дастур.
15.35 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Польшадаги учрашувлар». Премьера.
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Туркменистон - Хитой Тайпейи.
18.10 Эстрада тароналари. К. Қайумов.
18.25 «Химмат».
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Тибиёт одимлари».

27

20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Концерт.
21.20 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих».
21.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.55 «ТВ-клуб».
23.15 «Олам». Телеальманах.
23.45 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг. Телесериал».
9.35 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.00 «Самовий саргузаштлар».
Болалар учун телесериал. 14-қисм.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40, 13.35 Муслиқий лаҳзалар.

10.45 Тараққиёт.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 3-қисм.
14.20 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Кули гул уста».
14.40 «Меҳрибонлик». Бадий фильм.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».
16.15 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 15-қисм.
16.40 «Мульттомоша».
16.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.10 Ёшлар қуйлайди.
17.25 Автосалтанат.
17.40 «Аср қиёфаси».
18.00 «Умр дафтари».

Ботир Зокиров. Видеофильм. 3-қисм.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55. Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Иордания. Танаффус пайтида - 19.45 «2001 йил - Оналар ва болалар йили: «Фарзандим-жигарбандим».
20.50, 21.30, 22.30 Ёшлар.
20.55 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 4-қисм.
21.35 Аскар мактублари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.

«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ-плюс».
18.30, 21.00, 22.25, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклимиз, кутлаймиз».
20.40, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Фармацевтика оламида».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».

15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Саёхатлар олами».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот курсативи.
17.15 «Дурдаршан».
17.35 «Сизнинг адвокатингиз».
17.50 CFI тақдим этади: «Еввойи хайвонлар» туркумидан.
18.20 «Болалар қуйлаганда».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревью».
21.05 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «Подийум».
22.15 «Клип антракт».
22.30 Кинематограф. Адриано Челентано «Ошиқи беқарор» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SHANBA

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Муслиқ бўстон».
9.10, 11.50 ТВ-метео.
9.15 «Хидоят сари».
9.40 «Олтин оҳу».
Мультфильм.
10.10 «Телевизион миниатюралар театри»нинг учрашуви.
«Тирик сайёра» кинодастури.
11.00 CFI тақдим этади: «Ноилоҳ сайёдлар». Хужжатли фильм.
11.55 «Аёл қалби навалари». Муслиқий дастур.
12.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари.

Ўзбекистон - Иордания.
13.50 ТВ-анонс.
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1. «Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Талабалик йиллари».
14.45 «Товус малика». Бадий фильм.
16.10 «Ойдиндор санъатнинг йўллари». Муслиқий дастур.
16.30 «Қалб гавҳари».
16.50 «Мўъжизалар майдончаси». Телеуин.
17.40 ТВ-клип.
17.45 «Санъат олами».
18.05 «Башар аллома».
Тележурнал.
18.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
18.50 Бадий кенгашдан сўнг.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

28

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Муслиқ: кеча ва бугун».
22.00 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
22.30 «Шанба оқшомид».
Дам олиш дастури.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду. Дам олиш дастури»:
23.45 «Бугунги Аржун». Бадий фильм. 1-қисм (Хиндистон)
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».
9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 15-қисм.
9.45 Табобат оламида.
10.05, 15.50 Муслиқий лаҳзалар.
10.15 Жаҳон жуғрофияси».

11.05 Аср қиёфаси.
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.25 Абдулхай Каримов қуйлайди.
12.40 «Рамаяна». Телесериал.
13.15 Кутилмаган меҳмон.
13.35 Синфдош.
14.00 Вилоятлар ёш хонандалари қуйлайди.
14.20 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадий фильм. 4-қисм.
14.55 «Ракурс».
15.15 «Учувчининг парвози». Бадий фильм.
16.35 Муслиқий дастур.
16.50 «Илдизлар ва япроқлар».
17.10 Ёшлар қуйлайди.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.50 «Мульттомоша».
18.05 Ёшлар овози.
18.25 «Футбол плюс».
18.45 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Муслиқий лаҳзалар.
19.55 «Ташаббус-2001». Республика таловининг якуний босқичи.
20.10 Хайрат.
20.30, 21.10, 23.10 Ёшлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 Юлдуз Абдуллаева: «Мен сизни соғиндим» муслиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьералар: «Клеопатра». Бадий фильм. 1, 2-қисмлар.
0.45-0.50 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.20 ТТВда сериал:

«Луиза Фернанда».
19.10 «Эхтиром ила».
19.40, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Интер-спорт».
20.15, 21.05 «Табриклимиз, кутлаймиз».
21.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
22.45 Auto-news
23.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.40 «Спорт оламида».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Ички олам». 1-қисм.
01.00-01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.15 «Мўъжизалар майдони».
10.15 Кундузги сеанс: Бирни қуриб шукр қил. Бадий фильм.
11.55 «Фан-тайм».
12.05 «CFI янгиликлари».

12.15 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
13.05 «Инглиз тили Сиз учун».
13.30-14.20 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Чинсен», «Бизнен мирас».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Билишни истайман» Болалар учун курсатув.
18.30 Россия эстрада-си юлдузлари: Е. Шифриннинг концерт дастури.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «7 дан 70 гача».
21.10 «Бизнес-ревью».
21.15 Аср афсонаси: «АББА» гуруҳи концерт дастури.
22.20 Кинематограф. Жан Маре «Капитан» фильмида.
23.40 Ахборот (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

Yakshanba

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Зарафшон навалари». Муслиқий дастур.
9.30, 12.05 ТВ-метео.
9.35 «Ғаройибот».
9.50 «Яшил орол сари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.
11.35 «Шоҳрух» клуби.
12.10 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Она меҳри».
12.30 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Ғаройиб тўти Поли». Бадий фильм премьераси.
14.00 Киноанонс.

14.05 «Мўъжизалар майдончаси».
14.55 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
15.20 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. «Башар алломаси». Хамза номидаги Қўқон шаҳар муслиқий драма театрининг спектакли.
17.05 Болалар учун. «Қувноқ шаҳарча».
17.30 «Езувчи ва замон».
17.50 Киноанонс.
18.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Оиламиз оҳанглари» телефестивали.
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар.

29

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Ҳамоҳанг навалари».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадий-муслиқий дам олиш дастури.
21.50 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
22.20 «Балли, раислар!» Телемусобака.
23.15 Теннис бўйича «Фьючерс». Халқаро турнири.
23.45 ТВ-1 намоиш этади:
«Якшанба кинозали»:
24.00 «Бугунги Аржун». Бадий фильм. 2-қисм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 Футбол плюс.
9.40 Ёшлар овози.
10.00, 15.45 Муслиқий лаҳзалар.

10.10 Болалар экрани: «Фил йўқолди».
11.20 «Ёшлар» телеканалида харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.00 Очил дастурхон.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 Сиз севган «Байрам» гуруҳи.
13.10 «Дарё тугёни». Бадий фильм.
14.40 Муслиқий дастур.
14.55 Спорт ҳафтано-маси.
15.10 Болалар учун мультфильм.
15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Суперлайнлар».
16.45 Ёшлар қуйлайди.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
17.25 «Мульттомоша».
17.40 «Эхтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
18.05 Очун.
18.30 Якшанбада қўришгучна.

18.45 Жамолдин Асалхўжаев қуйлайди.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ҳафта ичида.
19.40 Муслиқий лаҳзалар.
19.45 «Синфдош».
20.10, 20.50, 22.25 Ёшлар.
20.15 «Рамаяна». Телесериал.
20.55 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр»-news.
22.15 Тунги тароналар.
22.30 «Ёшлар» телеканалида премьералар: «Клеопатра». Бадий фильм. 3, 4-қисмлар.
0.05-0.10 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Қуралай».
18.20 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.10 «Рақслар жило-си».
19.25 «Спорт-тайм».
19.45 «Эхтиром ила».
20.15, 22.10, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.

20.35, 21.45 «Табриклимиз, кутлаймиз».
21.05 «3х5». Телешоу.
22.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Фаровонлик бекати».
23.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Ички олам». 2-қисм.
1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Парле ву франсэ?»
11.45 Келинг танишай-

лик: «Халқаро мактаб».
12.00 Кундузги сеанс: «Истиқомат ҳуқуқи». Бадий фильм.
13.45 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
14.20-14.50 «Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Британия кундалиги».
17.20 «Қушдай энгил бўлинг» курсативининг байрам сони.
19.35 «Тенгдошлар».
20.00 Россия эстрада-си юлдузлари: Кристина Орбакайте иштирокидаги концерт дастури.
21.15 «Интернет ҳудуди».
21.30 «Бизнес-ревью».
21.40 «Музик-холл».
22.00 Кинематограф. «Бойвачча Рич». Бадий фильм.
23.30 Тахлилнома (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

Кўпинча одамлар нима учун кўшиқ куй-лашади, деб ўйлаб қолади киши. Чиндан ҳам инсон куй-кўшиқсиз яшай олмайди. Асрлардан бери янграб келаётган ажиб наволар муқаддас мерос сингари ардоқланиб, авлоддан авлодга ўтиб келади. Инсон ўзининг энг нозик туйғуларини, тугёну урёнларини сўз ва соз орқали ифода этади. Кўпнинг дилини ларзага солади, эзгуликка ошно қилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, мумтоз кўшиқлар ижроچиси Маҳмуджон Азимовнинг концертини тинглаганларнинг дилидан шу сўзлар ўтган бўлса не ажаб.

Концертнинг бошида хонанда бир гуруҳ кичкинтойлар билан кўшиқ ижро этганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, аждодлар ва уларнинг эъзози авлодларнинг қалбида бўлмоғи ҳам қарз, ҳам фарз-дир.

Саҳнада ажойиб боғи дилкушо намоён бўлади. Боғ саҳнидан Амир Темур ҳазратлари (Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов) маликалар билан чиқиб келди. Залда қарсақлар янграб кетди. Унга Маҳмуджон Азимовнинг ўктам овози жўр бўлади: «Жангда ҳам ўйлаган жигарбандларни, Дунёга танитган Самарқандларни, Сиз соҳибқирон, сиз соҳибқирон...» Бунга ҳам беш-олти йил бўлиб қолди. Маҳмуджон ўшанда Амир Темур ҳақидаги ушбу кўшиқни янгигина ижро этганди.

–Биласизми, – деди у бир куни суҳбатда, – мен бу кўшиқни анча олдин тайёрлаганман. Лекин ижро этишга журъат этолмадим. Мен қайдаю соҳибқирон бобомиз қайда! Бир куни туш кўрдим. Тушимда улуг сиймолар қаторида соҳибқирон ҳазрат ҳам бор эмишлар. Менга айт деб имо қилдилар. Кўшиқни айтдим. Барча ўтирганлар дуо қилиб, фотиҳага қўл очдилар. Эртасига илк бор

ВАТАН САДОСИ

ижро этдим.

Чиндан ҳам Темур ва темурийларнинг руҳи поклари беадад улғудир. Мирзо Улуғбек саҳнада жавлон урганида (Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов) «Самарқандга борсам мен агар», Мирзо Бобур пайдо бўлганида (Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев) Бобур ҳақидаги, Алишер Навоийнинг сиймоси намоён бўлганда (Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов) Мўмин Мирзо тўғрисидаги шикаста кўшиқлар ижро этилди. Айниқса, ширинзабон хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев хотирасига бағишланган кўшиқнинг ушбу: «Олтиариқнинг олти сойи шарқирар. Тўрт томонда тўртта боланг чирқирар, ёлғиз аёл каби ёринг қон йиғлар. Ҳофиз укам, булбул укам, қайдасан» сатрлари барчани юрагига бориб тегди.

Театрлаштирилган томошада иштирок этган таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсуной Содиқова айтдики:

– Одатда халқимизнинг фидойи фарзандлари ҳақида гапирганимизда «Истеъдоддан Худо берган», «Овоздан Худо берган» деймиз. Маҳмуджон Азимовни ҳам Худо берганлар қаторида кўраман. Унинг камтарлиги, ҳамиша беминнат хизматга ҳозир эканлиги, айниқса, мумтоз кўшиқчилигимизда кўрсатаётган муҳаббати, садоқати сўзларимни тасдиқлаб турипти.

Ўзбекистон халқ шоираси

Томошадан кейинги ўйлар

ланган ушбу окшомни мухлислар узоқ вақт эслаб юрадилар, албатта. Келинг, яхшиси ўзларидан эшитайлик:

Насиба Муталибова, хизматчи: – Саҳнанинг безакларини куйга, кўшиққа уйғунлигини кўриб, жуда ҳам қувондим. Айниқса, Маҳмуджон Азимовнинг ашулалари сермазмун, ибратлигини алоҳида таъкидлардим. «Ватан садоси» кўшиғи ёшларимизнинг тўғри йўлдан юришга, Ватанга содиқ бўлишга чорловчи мадҳиядек жаранглади. Мен кўндан бери бундай томошани

берганини сўзлаганида кўзларим ёшга тўлди. Мана, Инобат опа ўша меҳнатларининг ҳузурини кўриб ўтирибдилар. Шундай ҳамкишлогим борлигидан, эл-юртда суюкли санъаткорлигидан фахрланаман.

Саъдулла Абдуллаев, томоша режиссёри: – Ҳар бир концертнинг ўзига хос сифатлари, белгилари бўлади. Ушбу концертда асосий урғуни кўшқу саройларга, фаввораларга, гулларга берганимизнинг сабаби унинг мазмунидаги юртни севиш, унинг буюк фарзандларига таъзим бажо этишдек ҳислатни бўрттириш эди. Биз шундан келиб чиқдик. Саройни томошабинларга лиқ тўлганлигини кўрсангиз эди. Бу ҳам халқимизнинг мумтоз кўшиқларга доим ташналигидан нишондир.

Жўра Йўлдошев, шифокор: – Борганлар жуда таърифлашди. Биз ҳам бир кўрайлик, деб орзулаб борсак, концерт бир кун экан. Шундай яхши тадбирларни икки-уч кун такрорласа бўлади-ку. Сенга ўхшаган орзулаганлар вилоятда қанча экан.

Бизни яна қувонтиргани концертда ёшларнинг кўпчилиги экани бўлди. Зеро, келажакнинг қадрига етиш, ўтган кунни, бугунни эъзозлашдан бошланади. Сўнгги ниятимиз: Юртбошимиз маънавиятга, маърифатга ниҳоятда катта эътибор бераётдилар. Тошкент вилояти ҳокимлиги қўллаб-қувватлаган Маҳмуджон Азимов, яна ўзга хонандалар иштирокидаги шундай театрлаштирилган томошалар вилоятимизнинг туманларида, шаҳарларида ҳам ўтказилса нур устига аёло нур бўлар эди

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

“Тошкент почтаси”

очиқ турдаги акционерлик жамияти
2001 йил 28 май соат 10.00да

Тошкент вилояти ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг мажлислар залида

акционерларнинг

УМУМИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎТКАЗАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Тошкент почтаси” ОАЖ ижро органи директорининг 2000 йилдаги молиявий-хўжалик ишлари якуни бўйича ҳисоботи ва 2001 йилда қилинадиган иш режалари.
2. “Тошкент почтаси” ОАЖ нинг 2000 йил учун йиллик бухгалтерлик баланси, аудиторлик текшируви хулосаси ва тафтиш комиссияси актини тасдиқлаш.
3. 2000 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг 2001 йил ижтимоий -иқтисодий ривож режасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2001 йил учун аудиторини тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши аъзоларини ўрнини тўлдириш.

ҲИСОБОТ БАЛАНСИ

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг мазмуни (минг сўм)
1.	Узоқ муддатли активлар	102078,9
2.	Айланма активлар	322918,7
	Жами активлар	424997,6
3.	Ўз маблағлари манбалари	200728,7
	Шу жумладан низом жамғармаси	50258
4.	Мажбуриятлар	224268,9
	Жами пасивлар	424997,6

МОЛИЯВИЙ ЯКУНЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

1. Кўрсатилган хизматдан олинган даромад 529467
2. Асосий фаолиятнинг молиявий якуни 48266
3. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий якуни 63836
4. Соф фойда 10637

Молиявий хўжалик фаолиятининг аудитор текширувини “Аудит-Макт” лицензия № 227 04.12.1996 йил масъулияти чекланган жамиятнинг мустақил аудитори ўтказди.

Акционерларни рўйхатдан ўтказиш 2001 йил 28 май соат 8.00дан 9.30гача Акционерлик жамиятининг биносида ўтказилади. Акционерларнинг рўйхатини тўхтатиш санаси 2001 йил 28 апрель.

Кузатув кенгаши.

Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 8 декабрда Исмаилова Гузель Матякубовна 8721/1858 рақам билан мулк эгасига деб берилган йўқолган Давлат ордери **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўстонлик туманидаги 11-урта мактаб томонидан 1997 йил 19 июнда Нортеев Баҳодир Тўрабоевич номига берилган серия QR-A № 001143 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги муносабати билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туманидаги «ЯССИ-СЕР-ВИС» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомиди 170-08-91 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«ЮГАЗСТРОЙ» трести очиқ акционерлик жамияти томонидан Матякубов Оманбай Кушназарович номига 395, 398, 399, 400, 401, 402, 403 рақамлар билан берилган йўқолган ишончномалар **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги «МАХСУС ТАЖ-РИБА АВТОКОРХОНАСИ» очиқ турдаги акционерлик жамиятига шаҳар ичида пассажирлар ташиш учун АТ серияли 0073820, 0161939, 0164105, 0164121, 0164134, 0164162, 0195020, 0161874, 0195042, 0212815, 0188720, 0161864 рақамлар билан берилган йўқолган лицензия қарточкалари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги 9-урта мактаб томонидан 1994 йилда Худойбергенов Маъруф Эгамбердиевич номига берилган АТ № 448568 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги 2512-автожамланма томонидан автотранспорт воситасида юк ташиш учун берилган АТ № 0007359 сонли лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги Комил Ғофуров номи мактаб томонидан 1999 йилда Хакимов Дилмурод номига берилган ОЯА 367883 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЯКИН ШАРК:

УРУШНИНГ НИҲОЯСИ БОРМИ?

Инсоният азал-азалдан тинчлик истайди. Афсуски, осойишталикни бузувчи, очлик, қашшоқлик, талотўпларнинг асосий сабабчиси бўлган уруш тез-тез бу орзуга раҳна солиб келади. Орадан беш йил ўтиб – Исроилнинг Ливандаги Сурия эгаллаб турган истеҳкомларга қилган ҳужуми теварагидаги гап-сўзлар, можаролар барҳам топмасдан туриб – Яқин Шарқда яна жанг оловлари учқунлай бошлади.

Исроил армияси ҳам ҳаводан, ҳам денгиздан, ҳам қуруқликдан Ҳазо секторига жойлашган Фаластин қуроли кучларига ҳужум қилди. Уруш бўлгандан кейин уруш-да, ўнлаб одамлар ярадор бўлдилар, ҳаёт билан видолашганлар ҳам талайгина. Турар-жойлар, иморатларнинг кули кўкка совурилганини айтмасак ҳам бўлади. Бу фаластинликлар кўзғолон кўтаргандан бери ўтган ярим йил мобайнидаги энг катта ҳарбий ҳаракат деб баҳоланди. Исроилликлар Ҳазога қўшин киритдилар, оқибатда бу минтақа ихоталанган учта қисмга бўлиниб қолди.

Исроил томони ушбу ҳужумни араблар Фаластин чегаралари яқинидаги Сдерот шахрига ёғдирган миномётлар босқинига жавоб деб атамоқдалар. Уша минабозлик пайтида ҳечким зарар кўрмаган эди. «Биз Фаластин террорига ортқ тоқат қилолмаймиз», деб ахборот берди Исроил музоффаа вазири Биньямин Бин-Элизер. Бундай қараганда фаластинликларнинг ҳам сабр-тоқатининг чегараси бор. Ахир бу босқинчилик ҳаракатлари 1967 йилдан бери давом этаяпти. Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес эса «Уруш бошланди» дея очикдан-очиқ айтди-қўйди. Унинг тилидан бундай шафқатсиз сўзларнинг чиқиши кечириб бўлмас ҳолдир. Сабаби Перес жаноблари тинчлик соҳасидаги халқаро Нобел мукофоти соҳибидир. «Уруш аллақачон бошланган. Ҳозирги

ҳаракатлар эса унинг кўламини кенгайтириш учун бўлаяпти», деди Фаластин вазири Ҳасан Асфур.

Халқларда шундай нақл бор: «Милтиқлар гапира бошлаганда, элчилар тилдан қолади». Исроил ва Фаластин ўртасидаги янги мунозараларга белгиланган



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

учрашув бекор қилинди. Вазиятни юмшатиш борасидаги Иордания-Миср томонидан тақдим этилган режа Исроил томонидан рад этилди. Миср президенти Ҳусни Муборак телевидение орқали нутқ сўзлаб, жаҳон халқларини «Исроил босқинини тўхтатишга» чақирди.

Дунёнинг қайси нуқтасида бўлса ҳам ўқовози янграши, инсон қони тўкилиши оғир гуноҳ саналади. Ушбу ҳақиқатни иккала томон тез орада англаб, Яқин Шарққа тинчлик ато этишса, айни муддао бўларди.

ИШЛАРИ

ҒАРОЙИБ ЙИҒМАЧИ

Дунёда тангаларни, маркаларни, осори-атиқаларни, китобларни йиғадиган ишқибозлар бўлади. Улар ҳақида жуда ҳам кўплаб ёзилган, ҳатто, айримлари Гиннеснинг рекордлар китобида ҳам кирган. Яқин-яқиндан бошлаб Вероника Райт хоним ясама тишларни йиғадиган бўлиб қолди. Ҳаммаси оддийгина бошланди. У янгигина қўйдирган ясама тишларни йўқотиб қўйди. Оғзидан олиб, сумкачасига солиб қўйгани эсида, уйига келса йўқ. Бундан хабар тўпиб, қанча асаблари бузилмади бечоранинг. Охири маҳаллий газетага бу ҳақда эълон берди. Орадан уч кун ўтиб, Райт хонимнинг уйини тиш бо-

сиб кетди. Бечора уларни қаерга қўйишни билмай қолди. Охири, кел-е, шуларни йиғсам бўлмай-дими, деб ўйлади. Шиша банкачаларга солиб олди. Лекин буни қарангки, ўзининг тишиндан дарак бўлмади. Вероника Райт унинг бугун бўлмаса эртага топилишидан умидвор. Айтинг-айтинг, у учраган одамидан тишингиз ясамами, йўқми деб сўрамаса бас.

ТЕША ТЕГМАГАН ҚОНУНЛАР

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, АҚШда ғалати-ғалати қонунлар бор. Уларни бузганларга тўланадиган жарима ҳам катта миқдорда белгиланган. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Аризонада агар эшакни ваннага солиб, ухлатиб қўйсангиз, Янги Орлеанда тимсохни ўт ўчирувчилар кранига, Атлантада жирафани телефон устунчасига боғлаб қўйсангиз нима бўлишини биласизми? Мабодо Балтиморда театрга ўзингиз билан арслонни етаклаб келсангиз, Техасда меҳмонхонанинг иккинчи қаватидан ёввойи букаларга ўқ узсангиз, шўрингизга шўрва тўкилади. Аляскага бориб қолсангиз, суратга оламан деб ухлаб ётган айикни уйғота кўрманг. Чикагода уй кийимида балиқ овламанг, Гейлсбургда эса, каламушларни бейсбол таёқчаси билан урманг. Акс ҳолда минг доллар жарима тўlaysиз. Балки, Америкада шунақа иш қиладиган одамлар топилиб қолар... Ахир қонун бежиз қабул қилинмайдигу.

МАЙДОНДА РАҚИБ ЭДИ

Анна Курниковани билмаган, эшитмаган одам йўқ. У кейинги пайтларда жаҳоннинг биринчи ракеткаси деб тан олинган Мартина Хингис билан жуда иноқлашиб кетди. Икковлон суратларга тушишди, дўконма-дўкон юрадиган бўлиб қолишди. Хуллас, сирдош дўста айланашди. Буни қарангки, бахтга қарши дугоналар ечиниш хонасида жиққамушт бўлишибди. Ҳатто, қўллар ҳам ишга тушибди, бир-икки тола сочлар юлинибди. Жанжал сабаби ҳеч кимга маълум эмас. Анна билан Мартина фақат теннис кортларидагина ашаддий рақибалар бўлиб қолишгани қандай яхши эди-я.

Жаҳон маданияти юлдузлари



Ўспиринлик чоғларимизда ашула деса, ўзимизни томдан ташлардик. Уша пайтлар Италиянинг Флоренциясида яшовчи Робертино Лоретти жуда машҳур бўлган. 30 йил олдин унинг «Жамайка» қўшиғини билмаган бола йўқ эди.

гун менинг меҳмонимсан. Бир қўшиқларингни эшитамизда».

Робертино Лоретти ҳозир ҳам жуда машҳур. У янги мураббийси Винченсо Фрагале билан АҚШ, Канада, Австрали-яда концертлар берди. Лос-Ан-желесда ундан концертларни яна бир-икки кунга чўзишни илтимос ҳам қилишди. Лекин қаёқда. Робертинонинг ҳар бир куни ҳисобда. Унинг овозини болалигида эшитиб, мафтун бўлганлар, ҳеч бўлмаса ўзини бирров кўриш учун келишарди. «Халқ севади Робертинони, халқ уни асло йўқотмайди» – бу унинг продюсери ҳар бир концертдан кейин айтадиган сўзлари.

Артист зоти худди болага ўхшайди. Улар ҳиссиётга берилган бўлишади. Сал нарсага аразлаб қолишади. Доимо диққат-этиборда туришни хоҳлашади. Кўпинча санъаткорлар мана шундай ғамхўрликни кўрмай, санъат осмонидаги юлдузлари хиралашиб, бора-бора ўчади.

Ребортино Лоретти бугун 50 га яқинлашиб қолди. Йилларини фақатгина «Жамайка» билан ўтказгани йўқ. У Рим шаҳрининг марказидаги клубнинг хўжайини. Чавандозликка ашаддий ишқибоз. Ўзининг табласи, 20 дан ортқ тулпорлари бор. Демак, у камбағаллардан эмас.

Қўшиқчининг овози қайтадан туғилди. Ниҳоятда майин, бошқача қилиб айтганда, мавжланиб турадиган овоз пайдо бўлди. Италия тилида уни «Бел-канто» деб атайдилар. Қўшиқларининг мавзу доираси ҳам жуда кенг. «Мен Робертино билан бирга ишлаётганимдан фахрланаман», деган эди унинг продюсери ва ҳамийси Пол Давидовский.

Дунёда биттагина қўшиғи билан машҳур бўлиб кетганлар талайгина. «Катюша» деганда Марк Бернесни, «Бесаме Мучо» деганда Констанца Веласкесни, «Дайди» деганда Мукержини, «Кўзларингни яширма мендан» деганда Лата Мангешкарни, «Миллион атиргул» деганда Алла Пугачёвани, «Муножот» деганда Берта Давидовани, «Баҳор вальси» деганда Муҳаммад-жон Мирзаевни (бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин) эслаймиз. Албатта, уларнинг орасида Робертино ўзининг муносиб ўрнига эга. У шу кунга қадар юздан ортқ қўшиқ ижро этди. Ҳаммасини илҳом билан қуйлади. Лекин «Жамайка» унинг учун азиз ва муқаррамдир. Биз – она заминда яшовчилар учун Робертино Лоретти шу қўшиқни айтгани, ҳаммага шу қўшиқ билан бирга унутилмас болалик, ўсмирлик ҳаёда этгани сабаб хурматга сазовордир.

«Яхши қўшиқ – ўлмасдир», деган эди машҳур хабаш қўшиқчиси Пол Робсон. Яхши қўшиқни ижро этган хонандалар ҳам ўлмасдир – бу бизнинг сўзимиз.

Темир йўлдошев.

G'aroyibotlar

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- *Хитой раҳбари Цзян Цзэминнинг Лотин Америкаси давлатларига қилган сафари якунланди. У уч кун давомида Чили, Аргентина, Уругвай, Бразилия, Куба ва Венесуэлада бўлиб, мазкур давлатлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.*
- *Индонезиядаги Сулавеси оролининг шимолий соҳили яқинида йўловчи кема ҳалокатга учради. Кема чўкиши натижасида 20 нафар йўловчи ҳалок бўлди. Уларнинг аксарияти аёллар, болалар ва қариялар эдилар. Хабарларга қараганда, йўловчилар билан тўла кема кучли тўлқин туфайли ағдарилган ва чўкиб кетган.*
- *Чили парламенти ўлим жазосини бекор қилди. Энди энг олий жазо ўрнида муддати 40 йилдан кам бўлмаган қамок жазоси қўлланилади. Чилида ўлим жазоси 112 йил олдин жорий этилган бўлиб, ўтган даврда суд ҳукми билан 57 киши қатл қилинган.*
- *Панама Куба ҳукуматининг Фидел Кастрога суиқасд уюштиришга уринишда айбланаётган Луис Посад Каррилес бошчилигидаги бир гуруҳ жиноятчини расмий Гаванага топшириш ҳақидаги талабини рад этди. Бу жиноятчиларни Кубага топширишга эҳтиёж йўқ, уларга нисбатан Панаманинг ўзида жиноий иш қўзғатилди, деди мамлакат ташқи ишлар вазирилиги вакили.*
- *Россиялик таниқли тележурналист Сергей Доренко биринчи ранг капитани Валерий Никитинни мотоцикл билан уриб юборгани хусусидаги тергов давом этяпти. Доренко тажрибали адвокатга мурожаат этишга мажбур бўлди.*

ГЎЗАЛНИНГ УЙИ КУЙДИ

Дрю Берримор деб аталган гўзални дунёда ким танимайди дейсиз. У каттакон – бир ярим гектар келадиган чорбоғи билан бутун Беверли-Хиллз таниқли эди. Данғиллама уйига ҳавас қилмаган топилмади. Унинг шу уйи ёниб кетди. Бир ярим гектарлик чорбоғ қорақуяга айланди. Ёнғин эрталаб соат тўртда бошланди. Бу пайтда Дрю хоним ноз уйқуда эдилар. Яхшиямки унинг содиқ ити Флюксии бор экан. Уша Дрюнинг устидан кўрпаларини тортиб, бор овози билан ғинғишиб амаллаб уйғотди. Жонҳолатда ташқарига қочиб чиққан гўзал шу тарика омон қолди. Дрюнинг муҳлислари итга жуда катта раҳматлар айтишмоқда. Айтишга-ку, яхши, лекин уй нима бўлади? Қуруқ раҳмат билан уни қайта тиклаб бўлмаса...

Ажаб савдолар

ҲАЁТГА ХУМОР ЮРАК

Мен кекса ижодкор Абдуғаффор Убайдулла Хуморийнинг рубоийлари билан танишиб чиқдим. Бу рубоийларнинг аксарияти панд-насихат тарзида ёзилган. Уларнинг бош фаизлати катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган донишманд қалб садолари эканлигидир. Шунинг учун ҳар бир тўртлик ўқувчига фикран озуқа беради. У ёки бу даражада унинг онгига ижобий таъсир кўрсатади. Уларнинг газетада чоп этилиши ўқувчиларимизга яхши тортиқ бўлади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.

РУБОИЙЛАР

Миллатга суянгин ҳар бир ишингда,
Сенга ёрдам берар ёзу-қилингда
Бошқалар удумин тутмоқчи бўлсанг,
Чучвара санайсан фақат тушингда.



Шеърят

Мен сенга содиқман, сен ҳам содиқ бўл.
Дўстлаш биродарим, қани бергин қўл!
Ўтмиш авлодимиз, кўкка кўтарсак,
Ушал муддаолар, ўшал нузли йўл...

Ер юзин айламыш бамисли жаннат,
Боболар ғайрати энг олий меҳнат.
Сен ҳам шу сайқални давом эттирсанг,
Авлодинг улуғлар кўрсатиб ҳиммат

Ўнта фарзанд бўлса, феъли ҳам ўн хил,
Бирлари сахийю, бирлари бахил.
Ўзаро бирлашгин, бир муштга айлан,
Нокаслар камситар бўлмасанг аҳил.

Васлингга етолмай фалакда ой хун.
Қоялар шавқида ўйнайди Сайхун
Ватаннинг меҳридан шунчалар мастки,
Кўксига бош қўйиб тўлганар Жайхун.

Bolalik bog'i

ТОПИШМОҚЛАР

Burasangiz qulog'in,
Kumush kabi dur sochar.
Toza qilib, tanangiz,
Bahri-dilingiz ochar.



Yuvinsa agar doim,
Qiziq, odam muloyim.



U biz bilan o'tirsa,
Osti po'lat ko'rpacha.
Yuragida o't yonar,
Tag'in demang pechkacha.



Буни ҳаёт дейдилар

Раҳима опа қўшнисидан хабар олиш учун уникага чиқди.

— Қўшнижон, сиздан бир хабар олай деб йўқлаб чиққан эдим, дея унга разм солди. Ранги синикқан Жамила хола энди сал ўзига кела бошлаган экан. Икки қўшни сўрашиб бўлишгач, хола ҳеч кимга айтмаган сирини қўшнисига ёрилди:

— Раҳимабону, мабодо куним битиб, фароғат топсам, ичимда қолиб кетмасин, деб сизга айтпман. Хабарингиз бор, тез-тез бетобланиб турибман. Бундан буён тўримдан кўра гўрим яқинроққа ўхшайди. Биласиз, амакингиз билан турмуш қурганимизга ҳам 50 йил бўлибди. 11 нафар болани борлик-йўқлик билан катта қилдик. Ҳаммаси уйли-жойли бўлишди. Фарзандларим ёмон эмас, шулар қатори куёвларим ҳам. Билсангиз, ўртанча кизимни ўз оямга келин қилиб узатганман. Улар ҳам, биз ҳам бошида бинойидек яхши бордикелди қилардик. Жияним, яъни куёвим олдинига бир ташкилотда бошлиқ

ёрдамчиси эди. Кейинчалик ўзи бошлиқ бўлди. Рост, ҳамма ҳам қаерда ишлаб, қандай яшашини ўзи ҳал қилади. Сал кунда куёвимнинг остида машина пайдо бўлди. Данғиллама участка курди. Ҳамма нарсаси муҳайё.

ИНСОНДАН ҚОЛАДИГАНИ

Ўзимизча, мен ҳам, амакингиз ҳам суйиндик. Майлида, ҳеч бўлмаса қизларимизнинг биттаси «бойвучча хотин» бўлиб яшаса ёмонми, дедик.

Кунлар ўтиб, куёвнинг кўзини шира босди. Хотиннинг қариндошларини менсимайдиган, уни ҳам ҳурмат қилмайдиган бўлиб қолди. Хотин устига пинҳона бошқа аёлга ҳам уйланди.

Юрагимга таъсир қилгани шуки, нима эмиш у киши шаҳарда энг катта, энг

обрўли киши бўлиб, менинг кизимга уйланганига афсус чекиб юрганмиш. Мени ва дадасини кўчада кўриб қолса, ор қилармиш.

Яқинда неварамга совчи келган экан, мен камбағал-

га кизим туғулмушугимни ҳам бермаيمان, ўзимга ўхшаган, уйимга келганида кутишга арзийдиганига бераман, деган эмиш.

Куёвим нима учун шунчалар димоғдор бўлиб кетди? Бойлик, пул уни наҳотки одамгарчиликдан чиқарган бўлса?.. Ахир унинг онаси билан мен бир ота-онанинг болаларимизку.



...Раҳима опа воқеадан таъсирланиб кўзида ёш қўшниси билан хайрлашаркан, ёшларга ўзи инсоф бермаса қийин экан, деди.

Орадан ярим йил ҳам ўтмай, Жамила хола бу фоний дунёни тарк этди. Ҳамма қариндош-уруғлар, кўни-қўшни, келин-куёв, қизлари унинг дафн маросимида қатнашишди. Фақатгина ўртанча, димоғдор куёвгина кўринмади.

Шуларнинг гувоҳи бўлиб, ўйлаиб қоламан. Наҳотки одамнинг бир-бирига бўлган муносабати пул, бойлик билан ўлчанса. Биз бирор ерга борганимизда, бойлигинг, кўй-қўзиларинг нечта, деб сўрашмайди. Ҳар биримиз учун, ўзимизга азиз бўлган фарзандларимиз ҳақида, уларнинг одоби, агарда уйли қилган бўлсак, набиралар ҳақида сўрашади. Ахир, биздан қоладигани фақат бир-биримизга қилган яхшиликлар, ширин сўзларимиз, ақл-заковатли, одобли ўстирган фарзандларимиз эмасми?

Лутфиниса ОДИЛОВА.

Бекажон

Кунлар исиб кетиши билан очик пойабзал кийишга эҳтиёж оша боради. Бу борада сизнинг ихтиёрингизда турли-туман оёқ кийимлари мавжуд бўлади. Уларнинг олди ёки орқаси очик турлари, шиппак, «чипси» — итальянча шиппаклар эса истаганингизча топилади. Бу кийимларни танлаётганда, оёгингизнинг бармоқлари қисилиб қолмаслигига эътибор беринг. Зинҳор базинҳор нимпайпоқча билан кия кўрманг.

Баланд пошна пойабзал кийишни маъқул кўрмайдиганлар учун ҳам ажойиб «шапшап» — шиппаклар мавжуд. Уларнинг жуда кўпи чармдан тайёрланган. Бунинг устига чарм нўхат гулли бўлса, оёқни бежирим кўрсатади. Уларни кундалик қилиб эмас, ҳатто ажойиб кечки кўйлаклар билан ҳам кийиб томошаларга борсангиз бўлаверади. Бу йилги пойабзалларнинг ўзига хос хислатларидан бири уларнинг ёрқин рангдаллигидир. Хуллас, ҳам арзон ҳам энгил ҳам сўнгги мода асосида тайёрланган ёзги оёқ кийимлари сизга мунтазир.

Матлуба
МАҲМУДХҲАЕВА
тайёрлади.

ҲИМОЯ ПАНДА БЕРДИ

2002 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Осиё қитъаси еттинчи гуруҳида саралаш учрашувларининг 23 апрелда бошланиши муносабати билан 18 апрель куни пойтахтимизнинг «Пахтакор» ўйингоҳида «Пахтакор» — «Дўстлик» жамоалари ўртасидаги ўйин ўтказилди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ майдон эгалари фаол ҳаракат қилиб, ташаббусни кўлга олдилар. Тўртинчи дақиқада эса Мухтор Қурбонов «Дўстлик» ҳимоячиларининг кўпол хатоларидан фойдаланиб тўпни дарвозага аниқ йўллаб ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Бу тўп Мухтор Қурбоновнинг мамлакат миллий чемпионатларида рақиблар дарвозаларига киритган юзинчи юбилей тўпи бўлди. Юз ва ундан ортиқ тўп киритган футболчилар клуби сафи яна бир аъзога қўпай-

ди. Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг меҳмонлар қарши ҳужумга ташландилар. Алишер Бозоров 23-дақиқада қулай имкониятни бой берди. Танаффусгача 1:0 ҳисоби сақланиб қолди. Иккинчи бўлимда ҳам ҳар икки жамоа ҳужумкор ўйин кўрсатди. Лекин, шу кун меҳмонлар ҳимоя чизигида кетма-кет хатоларга йўл қўйдилар. Натижада қулай имкониятга чиққан «Пахтакор» ўйинчиси Владимир Панамарёв кўполлик билан тўхтатиб қолинди. Ўйинга ҳакамлик қилаётган Султон Зайнобиддинов меҳмонлар


дарвозаси томон жарима тўпи белгилади. Жарима тўпини пахтакорчи Леонид Кошелев қўйилмақом ижро қилиб, ҳисобни 2:0га ўзгартирди. Яна бир дақиқа ўтар ўтмас майдон эгаларининг навбатдаги ҳужуми самара берди. Алексей Жданов меҳмонлар дарвозасига учинчи тўпни киритиб, ҳисобни 3:0га етказди. Шундан сўнг «Дўстлик» ҳужумчилари ва ярим ҳимоячилари «Пахтакор» дарвозаси томон кетмакет ҳужум уюштирдилар. Лекин улардан унумли фойдалана олмадилар. Ниҳоят учрашувнинг 79-дақиқасида жарима майдонида қанотдан йўналтирилган тўпни Алексей Кликунов боши билан дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 3:1га ўзгартирди.

«Пахтакор» бу ғалабадан сўнг ўз ҳисобидаги очколар сонини 15тага етказиб, жадвалда учинчи ўринни сақлаб қолди. Лекин, улар бошқа жамоалардан бир ўйин

кам ўтказишган. «Дўстлик» мағлубиятга учраган бўлса ҳам тўртинчи ўринни сақлаб қолди. Чунки, шу кунги ўтказилган иккинчи учрашувда бешинчи ўринни забт этиб турган «Трактор» жамоаси саккизинчи турдаги учрашувини Қаршида «Насаф» билан ўтказиб, 1:3 ҳисобида мағлуб бўлди. «Насаф» эса бу ғалабадан сўнг 18 очко тўплаб, яна биринчи ўринга кўтарилиб олди.

Миллий чемпионатнинг қолган еттинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади. Вилоятимиз вакиллари «Семурғ» ўз майдонида «Зарафшон»ни қабул қилади. «Метуллург» билан «Кимёгар» эса Бекободда ўзаро куч синашадилар.

Талъат ЮСУПОВ.



Об-ҳаво-ни кузатиш бош бош-

қармасидан хабар қилишлари-ча, 21-25 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳарорат ўзгариб туради. Шу даврнинг ўрталарида айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши эҳтимоли бор. Шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар соғияда 15-20 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат бироз пасайиб, кечалари 5-10 даража, кундуз кунлари эса 19-24 даража иссиқ бўлиши кутилади.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти ҳамда Тошкент вилояти Матбуот бошқармаси жамоалари Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи Жаббор Раззоқовга падари бузруквори РАЗЗОҚ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТOSHKENT HAQIQATI
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилнинг:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республи-
каси Давлат матбуот
қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга
олинган

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.